Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
4-fevral,
payshanba,
№ 15
(3676)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Халқаро тендеролди конференцияси

**Наманганда Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши лойиҳасига бағишланган халқаро тендеролди конференцияси бўлиб ўтди.**

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ҳар бири 450 МВт қувватга эга иккита буғ-газ қурилмасидан иборат умумий қуввати 900 МВт бўлган янги буғ-газ электр станцияси барпо этилмоқда.

Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси йилига 6,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу Фарғона водийсида электр энергиясига ортиб бораётган талабни, жумладан, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда илғор технологиялар қўлланилади. Бунда юқори технологияли буғ-газ ва газ турбинаси қурилмаларидан фойдаланилади. Бу станциянинг фойдали иш коэффицентини 60 фоизгача таъминлаш, ёқилғи истеъмолини фаолият кўрсатаётган қувватларга нисбатан қарийб 2 баробар камайтириш имконини беради.

Қиймати салкам 1 миллиард 200 миллион долларга тенг мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида ҳар бири 450 мегаватт қувватга эга иккита энг замонавий буғ-газ турбинасини ишга тушириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ва республика бюджети томонидан молиялаштирилади.

Айни пайтда туманнинг Шоҳидон қишлоғи ҳудудидан ажратилган 94 гектардан зиёд майдонда текислаш ишлари, йўл-коммуникация инфратузилмасини яратиш, маъмурият биноси ва ёрдамчи хўжалик иншоотлари, ишчи-хизматчи ва мутахассислар учун кўп қаватли тураржойлар қуриш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Энергоблокларни монтаж қилиш ишлари шу йилнинг сентябр ойида бошланиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг асосий қисмини амалга оширишга тендер танловлари асосида салоҳиятли, тажрибали чет эл компаниялари бош пудратчи этиб белгиланади.

Шу муносабат билан ўтказилган халқаро тендеролди конференциясида тегишли вазирлик ва идоралар, вилоятдаги дахлдор бошқарма ва ташкилотлар, тендер савдосида иштирок этиш истагини билдирган хорижий давлатларнинг 15 йирик компанияси, мамлакатимизнинг "Тўполангсув ГЭС қурилиш", "Қувасойтаъмирлашқурилиш", 4-монтаж бошқармаси, "Гидромахсусқурилиш" каби қурилиш-монтаж корхоналаридан вакиллар иштирок этди.

↘(2).

**Андижон шаҳрида шарқона меъморий услубда барпо этилган "Sunday" савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Очилиш маросимида жамоатчилик вакиллари, фаоллар ҳамда меҳнат фахрийлари иштирок этишди.**





Зуҳриддин УМУРЗОҚОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Савдо мажмуасида 80 та иш ўрни

Тадбиркор Қаҳрамон Отахонов саъй-ҳаракати билан барпо этилган супермаркетда 80 иш ўрни вужудга келди. Уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир. Пештахталардан 25 минг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда маиший буюмларнинг жой олгани, пластик карталар орқали савдонинг йўлга қўйилганлиги мижозлар эътиборини тортмоқда.

Очилиш маросими доирасида харидорлар ўртасида турли танловлар ўтказилди. Ғолиб ва қатнашчиларга совғалар тақдим этилди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов иштирок этди.

**Нурилло НУЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири**

Танлов

## Ғолиблар тақдирланди

**Бухорода "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, вилоятдаги 199 та милиция таянч пункти орасидан сараланган 13 та МТП ушбу босқичда ўз имкониятларини синовдан ўтказди.**



Қизғин кечган беллашувда улар фаолият кўрсатаётган ҳудудларда ижтимоий-маънавий вазият, ходимларнинг вояга етмаганлар ўртасида ишлаш тажрибаси, жамоатчилик билан ҳамкорлиги ҳамда соҳага оид билимлари, дунёқараши баҳоланди. Натижага кўра, Ромитан туманидаги "Ромитан" ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган 94-милиция таянч пункти (профилактика инспектори Муродулло Ҳакимов) биринчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов ғолибига ташкилотчиларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

Анжуман

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2015 йилда амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

## Дастур ижроси таъминланди

Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Эркин Авезов "Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш" дастурининг бажарилиши ва бандликнинг самарали шаклларини ривожлантириш масаласига тўхталиб, унинг ижроси юзасидан атрофлича маълумот берди.

Таъкидландики, ҳисобот даврида республика бўйича жами 980 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиб, дастур 100,3 фоизга бажарилган. Бунда, мақсадли дастурларга мувофиқ 262 мингта, жумладан, саноатда — 116 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервисда — 67 мингта, қишлоқ хўжалигида — 49 мингта иш ўринлари ташкил этилди.

Дастур ижросида кичик бизнеснинг ўрни ғоят аҳамиятли бўлиб, кичик корхона ва микрофирмалар, якка тадбиркорлик, уй меҳнати, деҳқон ва фермер хўжаликларида жами 728 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг ўтган даврида 1208 дан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди ва уларда 53 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этиб, 62 минг кишига ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар берилди. Шунингдек, ҳудудий меҳнат органларининг инспекторлари маҳаллаларда олиб борган тушунтириш тадбирлари натижасида ишсиз бўлган ва иш қидираётган 284 мингга яқин фуқаролар, шу жумладан, 90 минг нафар ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашилди.

Тадбирда меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган тизимли чора-тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди.

**Д.ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири**

Обод манзиллар

## Гўзаллашаётган Гулистон



**Мустақиллик шарофати билан гўзал ва бетакрор диёримиз кун сайин яшнаб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлаётир.**

Давлатимиз раҳбарининг "2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги фармойиши асосида шаҳарда қурилиш ишларини амалга оширишга киришилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Қисқа муддатда вилоят марказининг мелиорация тизимини такомиллаштириш, транспорт хизмати ва автомобил, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий иншоотлар қуриш, янги барпо этиладиган хиёбонлар ҳамда ижтимоий соҳа инфратузилмаси, сув тармоқларини такомиллаштириш каби қатор ишлар жадаллик билан олиб борилди.

Айтиш мумкинки, Гулистонга бир йил-ярим йил аввал борган киши бугун яна шаҳарга келса, улкан бунёдкорлик жараёни кечаётгани, шу қисқа вақт мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилганини кўриб, ҳайратга тушиши аниқ. Бу ҳали бошланиши. Чунки Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган шаҳарнинг Бош режасига асосан ҳудудда қисқа муддат ичида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Айни пайтда, шаҳар майдони 2000 гектардан 3600 гектарга кенгайтирилди. Зарбдор, Мевазор, Қаропчи, Деҳқонобод, Тошкент мавзелари шаҳар ҳудудига киритилди.

— Бу ишлар аввалида ер ости суви сатҳини камайтиришга бежиз эътибор қаратилмади, — дейди шаҳар дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сувлари сатҳини пасайтириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи раҳбари А.Ибодуллаев. — Шаҳардан оқиб ўтувчи "Дўстлик" каналидан йиллар давомида сизот сувлари сизиб чиқарди. Натижада, ҳудуд сизот сувларига бўкди. Экинлар, боғлар шўрлаб, ҳосил чўғи камайди. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ҳаётбахш йўналишлар туфайли вилоятимизда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайди. Ишни ташкил этишда кенг таркибда комиссия тузилиб, зарур мутахассислар жалб қилинди.

↘(2).



Замон билан ҳамнафас

>> 2



Орзулар оғушида

>> 3



Сабрина — ёш гимнастикачи

>> 4

# Гўзаллашаётган Гулистон

(1).

Ҳа, ишни бошлашда шошма шошарликка йўл қўйиб бўлмасди. Аввало, ҳудудда илмий гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилди. 140 та кузатув қудуқлари орқали Гулистон шаҳри остидаги сув сатҳи ўрганилиб, уни пасайтиришнинг энг мақбул йўллари аниқланиб, бош режа ишлаб чиқилди.

**ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР**

Тизимли ишлар самараси ўлароқ ер ости суви сатҳини 1,5 метргача пасайтиришга эришилди. 2015 йилнинг март ойида ер ости сувлари сатҳи ўртача 0,9-1,2 метрни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1,7-2,5 метргача пасайган.

— Яқингача ерни 30-40 сантиметр қазисак сизот сув чиқарди, — дейди 3-мавзеда яшовчи меҳнат фахрийси Лола Абдуллаева. — Марказдан ўтувчи “Дўстлик” каналида қайта реконструкциялаш, бетонлаштириш ишлари тугаллангач, кўп қаватли уйлар тагидан ҳам зах сув ариди, санитария ҳолати яхшиланди.

**ЯХШИЛИК ЯХШИЛИКНИ ЕТАКЛАР**

“Дўстлик” каналини таъмирлаб сизот сувларини қочириш, ҳеч бир муболағасиз, янги бунёдкорлик ишларига йўл очиб берди. Қабул қилинган Дастур доирасида шаҳар транспорт хизматини янада яхшилашга оид режа ишлаб чиқилди. 62 та “Исузу” русумли автобус олиб келиниб, йўналишларга қўйилди. Бугина эмас, автомобил йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида жами узунлиги 12,76 км. бўлган 10 та автомобил йўли ва кўчалар, 2 та кўприк ва йўл ўтказгични реконструкция қилиш ишлари ҳам режалаштирилган.

Кези келганда, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, канализация тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича бугунги кунда салмоқли ишлар бажарилаётганини ҳам таъкидлаш лозим.

— Ташқаридан разм солиб, шаҳримиз кун сайин эмас, балки соат сайин ўзгариб бораётганини ҳис этаман, — дейди Гулистон шаҳридаги “Болалар шаҳарчаси” директори Покиза Аҳмаджонова. — Ишга кетаётганда ҳар куни канал устидан ўтаман. Бу ерда икки ой мобайнида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мавзега бошловчи кўча кенгайтирилиб, текис ва равон йўл қурилди, сув қувурлари ўрнатилди. Хавфсизлик чораси сифатида канал бетон девор билан ўралди. Ваҳоланки, илгари ер ости сизот сувларининг яқинлиги бинолар деворларининг шўрланишига, боғдаги дарахтларнинг қуриб қолишига сабаб бўлаётганди. Энди бундай муаммоларга чек қўйилган.

Қувонарлиси, каналнинг ўзигина эмас, ён атрофи ҳам обод бўлиб бормоқда. Оқар сув ёқасида барпо этилган ва барпо этилаётган дам олиш ва спорт иншоотлари, чўмилиш ҳавзаси, замонавий истироҳат боғи баҳри дилингизни очади. Ҳозир бу ерда нафақат оналар ва болалар, балки янги оила қураётган келин-куёвлар ҳам сайр этиб, ўз келажаги ҳақида ширин орзуларга берилади.



Шаҳар меъморий қиёфасини яхшилаш ва архитектура ансамбларини ташкил этиш бўйича аниқ режалар бор. 1335 та эски иншоот, жумладан, 1044 та тураржой ҳамда 291 та нотураржой бузилиб, улар ўрнида замонавий, қулай уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари ҳамда маданий дам олиш марказлари қурилиши белгилаб олинган.

Аҳоли тураржой шароитини яхшилаш мақсадида жами 97 та кўп қаватли уй-жой қурилади, шундан 20 та тўрт қаватли уй қурилиши учун 19 млрд. сўмлик ишлар ниҳоясига етди. Сайхун кўчасида қурилаётган уч қаватли 26 та уйдан 17 таси ҳозирданоқ шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Марказий кўчаларда барпо этилган икки қаватли тураржойларнинг биринчи қавати дўкон, маиший ва сервис хизматлари кўрсатишга мослашган бўлиб, бу ҳам аҳолига қулайликлар яратади.

Шаҳар марказида янгидан қурилиши, реконструкция қилиниши ва мукаммал таъмирланиши режалаштирилган 12 та объект лойиҳалаштирилган. Олим Хўжаев номидаги театр биноси, Маданият маркази, Кенгашлар уйи, 1500 ўринли амфитеатр, шунингдек, “Дўстлик” канали қирғоғида хиёбон ва дам олиш масканини барпо этиш кўзда тутилган.

**ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**

Қаерда тинчлик бўлса, ўша юртда фаровонлик бўлади. Фаровонлик, албатта, ободликка сабаб бўлади. Жонажон диёримиз мана шу азиз неъмат, имконият туфайли янада салобатли ва кўркам бўлиб бормоқда.

Ушбу яратувчанлик ишлари негизида давлатимиз раҳбарининг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деган эзгу ниятининг ҳаётдаги ифодасини кўриб, беихтиёр кўнглимиздан “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик” деган саволга жавоб топгандек бўламиз. Гўзаллашаётган шаҳар қиёфасини кўриб, қалбимизда ифтихор туйғулари жўш уради.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Раёсат йиғилиши

# Қизғин муҳокама асосида

**Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг 2015 йил якунлари ва жорий йил вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Республика кенгаши ўтган вақт мобайнида тармоқ касаба уюшмаси ташкилотларининг ўрнини янада мустаҳкамлаш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш борасида қатор ишларни амалга оширди. Тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмаси томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси бўйича йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик меҳнат жамоаларида ўзаро жипсликни мустаҳкамлаб, юқори иш самарадорлигига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўтган даврда жамоа шартномалари орқали соҳада меҳнат қилаётган 30 мингдан зиёд ходим ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларга 24,6 миллиард сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Иш берувчилар ҳисобидан 1255 нафар, ижтимоий суғурта маблағи эвазига 334 нафар ходим санаторий ҳамда дам олиш уйларида соғлиғини тиклади. Ёз мавсумида алоқачиларнинг 5384 нафардан зиёд фарзанди “Ўзбектелеком” АК тасаррруфидаги ва мактаблар қошидаги оромгоҳларда дам олдирилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномаларида белгиланган 841 та тадбирдан 817 таси бажарилиб, ушбу йўналишга иш берувчиларнинг 2,9 миллиард сўмлик маблағи сарфланди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спорт билан шуғулланишни кенгайтириш мақсадида уюштирилган тадбирлар орқали беш мингдан зиёд ходимлар қамраб олинди. Айниқса, аёллар ва ёшларнинг мусобақаларда фаол иштироки таъминланди. Бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтириш мақсадида “Энг намунали бошланғич ташкилот”, меҳнат муҳофазаси бўйича “Энг яхши корхона”, “Энг яхши касаба уюшма қўмитаси”, “Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил” кўрик-танловлари ўтказилди.

Республика кенгашига келиб тушган 149 та мурожаат ўз муддатида кўрилиб, натижаси ҳақида эгаларига жавоб берилди.

“Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида иш берувчилар томонидан 1 миллиард 348 миллион сўм, касаба уюшмаси ҳисобидан 356 миллион сўм маблағ йўналтирилди. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида 1103 нафар меҳнат фахрийси ҳамда кексаларнинг Самарқанд, Қўқон, Хива, Бухоро, Тошкент шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Раёсат йиғилишида Республика кенгаши раиси Асрор Ишанходжаев амалга оширилган шу каби ишлар ҳақида батафсил сўз юритиб, эришилган ютуқлар билан бирга, фаолиятда айрим камчиликлар ҳам учраётганини таъкидлаб ўтди. Уларнинг сабаблари батафсил таҳлил қилинди. Маърузачи муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, иш берувчилар билан тизимли ишлаш касаба уюшма фаолларининг энг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда, шунингдек, Республика кенгаши ва тизимдаги бошланғич ташкилотлар томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ва тармоқ дастурининг бажарилиши якунлари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси бирлашган, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Миллий ахборот агентлиги бошланғич ташкилотлари фаолияти, Тошкент вилояти алоқа корхоналари касаба уюшмаси ташкилотларида ижро интизоми, мурожаатларнинг ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиши ва шартномавий муносабатларни ўрганиш натижалари, 2015 йил давомида касаба уюшма бюджети ҳамда ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва бошқа қатор масалалар таҳлил этилди.

Раёсат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, келгуси устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Халқаро тендеролди конференцияси

(1).

— Лойиҳанинг асосий қисмига киришиш бўйича тайёргарлик ишлари давом этмоқда, — дейди “Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қуриш дирекцияси” унитар корхонаси раҳбари Тўхтабой Муллажонов. — Бугунги тадбир тендер иштирокчиларини яна бир бор ўз имкониятларини чамалаб, маслаҳатлашиб олиш ва тендерда қатнашиш борасида бир қарорга келишига кўмаклашиш мақсадида ўтказилмоқда. Тендер савдосига тақдим этилган пакетлар март ойининг охирида очилади ва унинг ғолиби иссиқлик электр станцияси қурилишига бош пудратчи этиб белгиланади.

Тадбир доирасида лойиҳа ҳақида атрофлича маълумот берилди ва қурилиш-монтаж ишларида иштирок этишга қизиқиш билдираётган компания ва корхоналар тақдимоти ўтказилди.

Иштирокчилар Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиш майдонида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар, лойиҳани рўёбга чиқариш учун зарур омиллар, табиий, техник шарт-шароитлар ва бажариладиган ишлар кўлами билан танишди.

— Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди China Statc Construction Engineering Corporation компанияси вакили Шо Фе. — Бунда мамлакатингизда яратилган қулай сармоявий муҳит муҳим омил бўлмоқда. Ангрен-Поп темир йўл қурилишида ҳам Хитой компаниялари иштирок этаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Компаниямиз мазкур лойиҳада иштирок этишдан манфаатдор. Бундай ҳамкорлик ҳар икки давлат тараққиётига хизмат қилади.

Конференцияда Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров сўзга чиқди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

Тармоқ кенгашларида

***Меҳнаткашлар манфаатини тўлиқ қамраб олишда янги очилган ҳар бир корхона ёки муассаса томонидан ташланган биринчи қадам ўта муҳимдир. Бу борада касаба уюшма фаоллари томонидан кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунга монанд равишда аъзолар сони ҳам муттасил ортиб бормоқда.***

# Аъзолар сони ортмоқда

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси фаолиятини бу борада ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Янги йилнинг дастлабки ойида аъзо ташкилотлар 316 тага ортиб, аъзолар сони 45388 нафарга етди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш жадаллашаётгани ва кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани хусусий корхоналар кўпайишини тезлаштирмоқда. Уларнинг аксарияти касаба уюшма аъзолигига жалб қилинмоқда.

— Нодавлат корхоналарда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида уларни аъзоликка тортдик, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси Акмалжон Усмонов. — Ҳудудимиздаги фаолияти тармоқ соҳаси билан боғлиқ нодавлат сектор корхоналарини касаба уюшмага жалб қилишга эътибор кучайиб, ўтган йил давомида вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан 123 та корхонада касаба уюшма ташкилоти ташкил этилди ва шу тариқа 2272 нафардан зиёд меҳнаткашнинг касаба уюшма ҳимоясига олинишига эришилди.

Меҳнат аҳли манфаатларига йўғрилган ҳаракатлар жорий йилда янада кенг кўлам касб этади. Жумладан, яқинда “Фуркат қурилиш монтаж” хусусий корхонаси, “СКС бизнес гроуп” МЧЖ, “Деҳқонобод қурилиш” хусусий корхонаси, “Ишонч транс сервис” МЧЖ да жами 94 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Семинар

# Замон билан ҳамнафас

***Касаба уюшмалари Федерацияси ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тўлиқ электрон ҳужжат алмашиш тизимига ўтиш амалга оширилаяпти. Вазирлик ва ташкилотлар билан ўзаро электрон ҳужжат юритиш sfp.uz, kasaba.uz доменида яратилган корпоратив электрон почта ҳамда E-ХАТ ҳимояланган электрон почта тизими орқали йўлга қўйилган. Ички ҳужжат айланишини автоматлаштириш мақсадида «Касаба уюшма ташкилотлари» ахборот тизимининг электрон ҳужжат айланиш модуллари ишлаб чиқилиб, Федерация Кенгаши аппаратида тўлиқ жорий қилинди, бошқа аъзо ташкилотларда босқичма-босқич татбиқ этилмоқда.***



Аммо шуни таъкидлаш жоизки, кўплаб компютерларнинг мавжудлиги, барчаси локал ва глобал тармоққа улангани, файллар алмашинуви йўлга қўйилгани жараёнларни автоматлаштириш даражаси юқорилигини кўрсатмайди. Шунинг учун тизимда соҳани янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2014-2020 йилларга мўлжалланган Стратегик дастури вазифаларини амалга ошириш мақсадида 2015 йил 15 майда “Комплекс интеграллашган ахборот тизими (КИАТ) яратишнинг техник топшириғини ишлаб чиқиш ҳамда ахборот ресурслари тизимини яратиш тўғрисида”-ги Раёсат қарори қабул қилинган.



Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида «Alp Jahon Himoya» МЧЖ томонидан ЎзКУФ комплекс интеграллашган ахборот тизими бўлмиш KasabaKIATнинг ахборот ресурсларини шакллантириш дастурий таъминоти яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад тизим фаолияти билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш, ходимларни ишончли маълумотлар билан тезкор таъминлаш ҳамда аъзо ташкилотларнинг молия-хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятини on-line режимида кузатиб боришдир.

Комплекс интеграллашган ахборот тизими замонавий дастурий-техник воситалар мажмуи бўлиб, Федерация миқёсида унга аъзо ташкилотлар ҳамда ходимларни ягона ахборот майдонига бирлаштиради. Тизим марказлашган маълумотлар базасига 147 мингдан зиёд юридик шахс, 14 мингдан зиёд бошланғич, 1400 га яқин касаба уюшма ташкилоти, 500 га яқин норматив ҳужжатлар, 19 та сиҳатгоҳ, 212 та болалар оромгоҳи, 60 га яқин асосий воситалар, турли маълумотнома ва таснифлагичлар бўйича 7000 дан зиёд қаторлар юкланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси комплекс интеграллашган ахборот тизимининг ахборот ресурсларини шакллантириш дастурий таъминоти Федерациянинг серверига ўрнатилиб, у тажриба-синов тариқасида ишга туширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида ўтказилган семинар машғулотида дастур билан ишлашни тўғри ташкиллаштириш, KasabaKIATни янада мукаммаллаштириб, тўлиқ ишга тушириш борасида атрофлича сўз борди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Вазифалардан келиб чиқиб

## талаблар қўйилди, таклиф ва тавсиялар берилди

***Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни бирлашма кенгаши раиси Улуғбек Жалменов олиб борди.***

Иштирокчилар диққат-эътибори бирлашманинг 2015 йилдаги фаолияти якунлари таҳлили ҳамда 2016 йилдаги устувор йўналишлар ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшма ташкилотларининг келгусидаги вазифаларига қаратилди.

Жумладан, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси, юридик хизмат, фуқаролар мурожаатларига қаратилаётган эътибор, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини тиклаш йўлида эришилган натижалар сарҳисоб қилинди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муҳим йўналишлардан бўлиб, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳамда касб касалликларининг олдини олиш борасида қатор амалий ишлар бажарилди. Албатта, бу жамоа келишуви ва шартномаларига иш берувчиларнинг мажбурият ва вазифалари киритилиб, ижроси назоратга олинганлиги самарасидир.

Йиғилишда аъзолар ва уларнинг яқинлари соғлиғини тиклаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидлаб ўтилди. Кексаларни эъзозлаш йилида касаба уюшмалари ҳисобидан 1232 нафар ходим санаторийларда дам олдирилди. Ёзги мавсумда 11 минг 300 нафар болажон оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқарди.

Ҳисобот даврида эришилган натижалар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳам тилга олиниб, уларни ижобий ҳал этиш йўллари таҳлил этилди. Касаба уюшмалари фаолиятининг жорий йилдаги муҳим вазифалари кенг муҳокама этилди.

— Ижтимоий шериклик асосидаги фаолият ҳамкорликдаги ишларнинг ҳар томонлама яхшиланишида қўл келяпти, — деди «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон ҳудудий бўлими раиси Шароф Уснатдинов. — Эл корига ярашдек савобга йўғрилган ишларда ҳамкорлигимиз давом этади.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига



*Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тарихан биздан узоқлашиб боргани сари, биз унга маънан яқинлашиб боряпмиз. Ҳар йили юртимизда Навоий ҳақида юзлаб мақола ва китоблар чоп этилади. Таълим масканларимизда ижоди энг кўп ўқитиладиган адабий сиймо ҳам Алишер Навоийдир. Адабий мероси бизгача тўлиқ етиб келган, асарлари тўлиқ нашр этилган ҳамда ҳаёти ва ижодиёти олимларимиз томонидан энг кўп тадқиқ этилган улуғ бобокалонимиз ҳам, шубҳасиз, Навоийдир. Халқимиз Навоий асарларини ўқиб-уққани сари тобора маънавий баркамолликка эришиб бораверади. Чунки унинг ижодиёти — маънавият хазинасидир.*

# АНГЛАШ САОДАТИ

*Улуғ шоир асарларини сеҳрланиб, мафтун бўлиб мутолаа этарканмиз, қани энди ҳар бир киши Навоий меросини ўзлаштиришга сидқу садоқат билан ҳаракат қилса, дея орзу этамиз. Аммо баъзан ҳаётда хоҳишга тескари вазиятлар юз беради. Масалан, ҳозирги адабиёт дарслик ва мажмуаларида Навоий ижодиёти аввалгидан анча кенгроқ ёритилган, асарларига кўпроқ изоҳ ҳамда шарҳлар берилган бўлишига қарамай, айрим мутахассис ўқитувчилар бундай имкониятдан юз бурадилар. Хусусан, филология ва журналистика факултетларининг баъзи талабалари Навоий асарларини асл матнда ўқимаслиги ҳамда буни очиқ-ойдин эътироф этишини эшитиб ҳайрон қоласан, киши. Хўш, эртага улар муаллим ёки журналист бўлиб ишлаганда, таълим берадиган ўқувчилари, тайёрлайдиган кўрсатув ва эшиттиришларининг аҳволи, савияси қандай бўлади? Жамиятнинг маънавий даражаси уларга боғлиқ эмасми? Аслида, эринмасдан луғатлар ёрдамида Навоий асарлари мағзини чақиш уларнинг биринчи галдаги вазифасидир.*

*Ҳаёт чорраҳаларида каттаю кичик давраларда «юзта китоб ёзганман», дея мақтанадиган бир танишимиз билан учрашишга тўғри келган. Кунларнинг бирида у Навоий ҳақида бир салмоқли китоб ёзиб тугаллаганини айтиб, мундарижасини чиройлироқ қилиш ҳақида маслаҳат сўради. Суҳбат асносида Навоий асарлари ҳақида аниқроқ фикр сўраганимда, ҳазратнинг бирор асарини аслиятда ўқимаганини, ўқиганда ҳам тушунмаслигини, бу китоби айрим насрий баёнларни ўқиганидан ҳосил бўлганлигини айтиб ҳасрат қилди. Воажаб, Навоийни ўқимасдан туриб, у ҳақда китоб ёзиш мумкин эканми?*

*Бундан-да ғаройиброғи — бир тоифа кишилар насрий баёнларни Навоийнинг ўз асарлари деб ўйлаб иш тутади. Навоийнинг асарларини аслиятда ўқиб, ҳар бир сўзнинг мағзини чақиш лаззатига нима етсин.*

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА**

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

# Сабрина — ёш гимнастикачи



**Бухоро шаҳридаги 39-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Сабринабону Камолова дарсдан бўш вақтида бадиий гимнастика билан шуғулланади. Вилоят миқёсидаги кўплаб мусобақаларда ғолиб бўлган.**

—Қизим гимнастика тўгарагига қатнай бошлаганидан буён характерида катта ўзгариш бўлди, ўз куч ва имкониятларига ишонишни ўрганди, — дейди Сабринанинг онаси Нозима Қодирова. — Асосийси, жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етмоқда. Бундан жуда хурсандман.

**СУРАТДА:** *Сабринабону Камолова онаси Нозима Қодирова билан.*

**ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.**

Мактаб-интернат ҳаётидан

***Ўн беш йилдан буён Хива туманидаги 97-ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатида ишлайман. Олиб борилаётган кўлами кенг саъй-ҳаракатларни кўриб, юртимизда инсонпарварлик қанчалар юқори пиллапояларга кўтарилганини ҳис қиламан.***

# Барчаси болажонлар учун

Қалби эзгуликка тўла мутахассис-педагоглар имконияти чекланган 205 нафар ўғил-қизнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун ташаббускорлик билан фаолият юритишяпти. 34 нафар ўқитувчи ва 35 нафар тарбиячи махсус таълим йўналишида билим беряпти. Бизда болалар асосан 7 ёшдан қабул қилиниб, улар дарсдан кейин меҳнатга йўналтирилиб борилади. Ўғил болалар дурадгорликни, қизлар тикувчилик касбини чуқур ўрганади. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида бадиий ҳаваскорлик, ёш рассомлар, этикдўзлик, ёш математик, табиатшунослик каби тўгараклар фаолият юритмоқда.

Собиқ ўқувчиларимиз Дониёр Юсупов ва Ғулом Ёқубов ҳам ушбу даргоҳда тарбияланишган. Эндиликда улар соғломлаштирилиб, умумтаълим мактабларига йўналтирилди. 2014-2015 ўқув йилида ана шундай ўқувчилардан 13 нафари умумтаълим мактабларига ўтказилди.

Мактаб-интернатимизда спорт зали, компютер хонаси ва 5301 та китоб фондига эга кутубхона мавжуд. Эътиборли жиҳати, ўқувчиларимиз Мустақиллик, Наврўз байрамлари тадбирларида, айниқса, фаол. «Эҳтиромга муносиб бўламиз», «Конституциямизни ўрганамиз», «Бахтли ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси» каби тадбирларда ўз иқтидорларини намойиш қилишади. Ўтган йили спорт гимнастикаси мусобақасида Ксеня Дренко, Мадина Раҳимберганова, Хуломон Аминова, Нодира Раҳимова энг жозибали жамоа номинацияси ғолиби бўлишди.

Ўқувчининг сўзларни талаффуз қилишида логопеднинг ўрни катта. Сабоҳат Авазова айнан шуни ҳисобга олиб, ҳар бир машғулотга индивидуал ёндашади.

Мактабимизда болаларнинг соғлигини тиклаб, касб-ҳунар эгаллашларига барча имкониятларни яратиб бериш ҳамиша эътиборда. Ота-оналар ҳам бундан хурсанд. Биз учун энг муҳими — ҳаётга йўлланма олаётган ўқувчиларнинг ақл-заковати, меҳнатсеварлиги, одоби. Улар бу серқуёш диёримизда ўзлари учун яратиб берилган шароитлар даражасида камол топишлари йўлида бор имкониятларни ишга соламиз.

**Руслан МАШАРИПОВ, мактаб-интернатнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари**

Соғлом оила — соғлом муҳит

# НАВБАТ — туман босқичига

**Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида "Соғлом оила" шиори остида ўтказилаётган оилавий спорт мусобақалари тобора қизғин тус олмоқда.**

"Навоиазот" АЖда ташкил этилган мусобақада корхонанинг ишлаб чиқариш цехларидан низом талаблари асосида 12 нафар оила қатнашди.

Беллашувлар Жўрақуловлар ва Нурказаковлар оилалари пухта ҳозирлик кўрганини тасдиқлади. Ғолиблар мусобақанинг шаҳар босқичи йўлланмасига эга бўлди.

Худди шундай мусобақалар Навоий шаҳридаги умумтаълим мактаблари жамоаларида ҳам бўлиб ўтди. Ғолибларга бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг қимматбаҳо совға ва дипломлари топширилди.

**Феруза МАРДИЕВА**

***

**Самарқанд вилоятида "Соғлом оила" спорт мусобақаларининг илк босқичи ниҳоясига етди.**

— 126 та бошланғич ташкилот сафидаги ходимлар ва улар оила аъзолари иштирокидаги спорт мусобақалари ниҳоятда қизғин кечди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қўшработ туман кенгаши раиси Абдуҳамид Тўхтаров. — Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган ташкилий қўмита ҳар бир чиқишни холисона баҳолаб борди.

Мусобақаларнинг биринчи босқичида 756 та оилавий жамоалар таркибида 2268 нафар иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Ғолиблар мусобақанинг соҳа ходимлари ўртасида ташкил этиладиган туман босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**




Дил иқрори

# Онангизни йўқладингизми?..

**Корхона жамоаси — янги йил байрамини нишонлаётганди. Ўйин-кулги авжида, ходимлар навбати билан туриб, ўз тилакларини айтаяпти.**
**— Янги йилда омад кулиб, барчамиз бойиб кетайлик, — деди ҳамма «бойбува» деб атайдиган ҳисобчи.**

— 2016 йил уйланмаганларга иболи келин, турмушга чиқмаганларга инсофли куёв тилайман...

— Барчамизнинг ҳаётимиз кутилмаган «сурприз»ларга бой бўлсин...

— Ойлик маошимиз янада ошсин...

— Шундай яхши кунларимиз кўп бўлсин...

— Корхонамиз аёллари ҳамиша ҳозиргидай очилиб юришсин...

Тилаклар турфа хил, бир-бирини такрорламас ва ҳаммаси «ўзлик»ка қаратилганди. Шунда бор-йўғини йиғиб, яқиндагина онасини операция қилдирган бир ходим ўрнидан турди ва кўзига ёш олиб, «Янги йилда барча оналарга соғлиқ тилайман» деди. Стол атрофида ўтирганлар бир қалқиб тушди.

Ўйлаб қарасам, бир ҳафтадан буён онамни йўқламабман. Овозимни соғинганлар чоғи, ўзлари қўнғироқ қилиб қолдилар.

— Безовта қилмадимми, ўғлим?! Ишларинг жойидами деб телефон қилаётгандим.

— Ҳа, раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз? Қўнғироқ қилишга сира вақтим бўлмаганди, узр, она.

— Майли, ҳечқиси йўқ. Илоҳим, кўз тегмасин сенга, — онам истамайгина гўшакни қўйдилар.

Ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Наҳотки, вақтим бўлмаган бўлса?! Ахир ҳар соатда бир кўчага чиқиб, сигарета тутатишга вақт топаману, кунида бир онамдан аҳвол сўраш эса... Уч кунда бир дўстларим билан улфатчилик қиламану, менга ҳаёт берган онамнинг соғлигини сўрашга имконсизманми?! «Байрамга уни олиб берасиз, буни олиб берасиз» дея шарт қўядиган турмуш ўртоғимнинг сўзларига жон қулоқ тутаману, ҳар байрамда менга атаб кўйлакми, галстукми олиб қўядиган онажонимга нимадир совға қилиш хаёлимнинг бир четидан лип этиб ўтмаса-я... Уйга меҳмон келишини ўйлаб, «пул кетсаям обрў кетмасин» қабилида дастурхонимни минг хил ноз-неъматларга тўлдиришни фикр қиламан, бироқ онам нон ёпганларида тандир ёнида сувга бўктириб берган иссиқ кулчаларининг таъми ҳалиям димоғимда-ку. Нега онам учун энг сара нарсаларни кўтариб боролмайман?!

Аслида, менга берилган Буюк меҳрни қадрлаш фарзандлик бурчим эмасмиди?! Ҳозироқ онамга қўнғироқ қиламан! Эртанги байрамлари билан табриклайман! Қолаверса, эртага шанба, дам олиш куни. Ҳамма ишимни четга сураману, совға-салом билан онам мени катта қилган ҳув ўша қишлоқдаги уйимизга шошаман!

Сиз-чи, онангизга қўнғироқ қилдингизми?!

**Руслан САБУРОВ**

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir v.b.**
Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**
**Kasaba uyushmalari hayoti** — 256-87-63
**Huquq va xalqaro hayot** — 256-64-69
**Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport** — 256-82-79
**Xatlar va muxbirlar bilan ishlash** — 256-85-43
**Reklama va e'lonlar** — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** — (+998-91) 268-92-32
**Andijon** — (+998-91) 475-23-60
**Buxoro** — (+998-93) 653-50-81
**Jizzax** — (+998-91) 943-67-44
**Namangan** — (+998-90) 260-50-77
**Samarqand** — (+998-97) 915-50-87
**Sirdaryo** — (+998-90) 610-95-55
**Surxondaryo** — (+998-95) 502-68-99
**Farg'ona** — (+998-91) 141-27-70
**Xorazm** — (+998-90) 719-48-00
**Qashqadaryo** — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:** A.Qodirova
**Navbatchi:** N.Mahamov
**Musahhih:** S.Shodiyeva
**Sahifalovchi:** H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **21:00**
Topshirildi — **21:20**
1 2 3 4 5

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
**Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 215.
21792 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133